

Табиий газни улуғржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилини

ШАРТНОМАЛАШТИ

2022 йил 05. Дубайда 013/03

Фарғона шахри (шартнома тузилган жер)

Низом Сух Туркеш СЭО ва ИЭС бунда қўрагувчи

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбар М. Акрам

бир томондан Низомга асосан фаолият юргатувчи "Хулудгаз Фарғона" газ таъминоти филиали (газ таъминоти ташкилоти номи кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), директор Рашидов Я. иккинчи томондан, куйдагилар тўғрисида мажур шартномани тузилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕЪМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртмаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади. Истеъмолчи оса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўлоқларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатиде амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикага эга газ қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатиладиган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжин тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилининг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб берилган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда қуб.м. нархи _____ минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйдагича тақсимланади:

I чорак	Минг	январь	2,016	февраль	2016	март	2016
II чорак	куб.м.	апрель		май		июнь	
III чорак	куб.м.	июль		август		сентябрь	
IV чорак	куб.м.	октябрь		ноябрь		декабрь	

Етказиб берувчи томондан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тасдиқла. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарориде қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20__ йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйдагини тақсил қилади:

I чорак	Минг	январь	февраль	март
II чорак	куб.м.	апрель	май	июнь
III чорак	куб.м.	июль	август	сентябрь
IV чорак	куб.м.	октябрь	ноябрь	декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томондан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган баланега мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тасдиқла, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқлори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

